

ЎЗБЕКИСТОНЛИК АЁЛЛАР МИГРАЦИЯСИ (РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ МИСОЛИДА)

Рабиев Бобомурод Баҳадирович, Юлдашев Нажмиддин Авазбек ўғли

Андижон давлат университети география кафедраси ўқитувчиси

ARTICLE INFO.

Калит сўзлар: Миграция, аёллар миграцияси, меҳнат фаолияти, оила, фарзанд тарбияси, иқтисодий етишмовчилик, ижтимоий сўрвнома.

Аннотация

Аёллар миграцияси- меҳнат килиш имконияти ва юқори иш хақи излаб юрган мухожир аёллар учун харакатлантирувчи кучdir. Бироқ яхши иқтисодий истиқболлар ваъда қилинганига қарамай, мамлакатлардаги миграция жараёнлари конун устиворлиги, ижтимоий муҳофаза кўпинча кескин фарқ қиласи хавфсиз ва қонуний миграция конунларининг йўклиги салбий оқибатларга олиб келади, бу айниқса норасмий ишлайдиган кўплаб мигрант аёллар учун тӯғри келади. Ўзбекистонлик аёллар кўплаб хорижий давлатларда меҳнат қилмоқда ва айниқса Россия Федерацияси улар кўпчиликни ташкил қиласи. Мақолада Ўзбекистонлик мигрант аёлларнинг меҳнат фаолияти, миграция сабаблари, ва мигрант аёллар билан ўтказилган ижтимоий сўрвлар берилган.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl/> © 2023 LWAB.

Кириш. Бугунги кунда мигрант аёллар дунёдаги 272 млн меҳнат мухожирларининг ўртача ярмини ва 164 млн ишчининг 42 фоизини ташкил қиласи. Халқаро меҳнат бозорида мигрант аёлларнинг 63,5 фоизи меҳнатга(мигрант бўлсада бола қарамоғида ёки уй бекаси) жалб қилинган бўлса. Аёл мигрантларнинг қарийб 74 фоизи хизмат кўрсатиш соҳасида, уй ишларида ва соғлиқни сақлаш соҳасида, молия ва илмий муассасалар, давлат ташкилотларида, ва бошқа кўплаб бошқа соҳаларда ҳам ишлайди. Хозирги кунда миграция хақида билмаган миллат ўзи бўлмаса керак, миграция оқими давлатларда турли кўринишга келган. Мадомики Осиё хозирги кунда дунёга асосий ишчилар етказиб берувчи маконга айланди. Шундай экан миграция масалаларини такомилаштириш мигрантлар муаммоларни бартараф этиш хар бир давлатнинг мухим вазифаларидан хисобланади.

2018 йил декабр ойида қабул қилинган БМТ нинг халқаро шартномасига кўра меҳнат қилувчилар ва меҳнат мухожирларини қабул қилувчи давлатлар манфаатларидан келиб чиқсан холда миграция оқимларини бошқаришни таъминлаш учун мўлжалланган.

Хозирги кунда дунёда 281 млндан ортиқ мигрант бўлиб, улардан 135 млн аёл кишилардир ва ер юзи ахолисини 3.6% ни ташкил этади. Халқаро мигрантларнинг 74% ни 20 ёшдан 64 ёшгacha бўлган инсонлардан иборат. Сўнги йилларда халқаро миграция салмоғи ортиб бормоқда 2020 йил 280 млн киши мигрант хисобланган бўлса, 1990 йилга нисбатан 3 баробар кўпdir.[1] Мигрантларнинг умумий улушининг 40% асосий келиб чиқиши. Осиёликлар, Хиндистон, Хитой, Бангладеш, ва Покистонликлардир.

Мақолада ёритмоқчи бўлган мавзу, хорижда меҳнат қилаётган ватандошларимиз уларнинг меҳнат фаолияти, ижтимоий химояси, миграция сабаби, мақсадлари, меҳнат фаолияти тўғрисида бўлиб асосий

эътибор аёллар миграциясига қаратилган.

Тадқиқот методлари. Адабиётлар шархи: Халқаро қонунларга кўра инсон хукуклари таъминлашга қаратилган бир қатор муҳим ҳужжатлари мавжуд. Улардан баъзилари нафақат фуқаролар ва мигрантларга фуқаролиги бўлмаган шахсларга ҳам тегишили. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тегишили ҳужжатларига қўйидагилар киради:

1. Инсон хукуклари умумжаҳон декларацияси 1948 йил.
2. Барча меҳнат мигрантлари ва уларнинг оила аъзоларининг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги халқаро конвенсия 1990 йил.
3. Ирқий камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги халқаро конвенсия 1965 йил.
4. Аёлларга нисбатан камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенсия 1979 йил.

Аёллар миграцияси хар даврда актуал хисобланган. С. Форбес Мартин,” Аёллар ва миграция” Миграция аёлларга қандай таъсир кўрсатиши бўйича консультатция учун асосий, ҳужжатда кўрсатилишича асосий мотив бу ерда иқтисодий етишмовчиликка барҳам беришдир¹ Материаллар; Халқаро ташкилотлар томонидан(УНИСЕФ), Россия Федерацияси миграция тадқиқотлар маркази, ҳамда (Унитет натионс ентий фор гендер екуалитӣ анд тхе емповермент оғ woman) БМТнинг аёллар миграция ва гендер тенгликни ўрганиш маркази, томонидан тақдим этилган манбалар асосида ёзилди. Таққослаш, ва статистик таҳлил усуллардан фойдаланилди.

Асосий қисм. Ўзбекистон ташқи меҳнат масалалари тақдим этган статистик маълумотларга кўра 2,4 млн Ўзбекстонликлар хорижда меҳнат қилмоқда. Бундан 24,1% аёллар, 35,1% ёшлар, ташкил этиб. Улардан 1,5 млн киши Россия Федерациясида, 366,3 минг киши Қозоқистонда, 144,7 минг киши Туркияда, 47,4 минг киши Жанубий Кореяда, ва бошқа давлатларда 348,1 минг киши хисобланиб, меҳнат қилаётган Ўзбекстонлик аёллар саломоги 568.492 кишини ташкил этади. Амалда бу ракамлар анча юқоридир. Ўзбек аёлларининг кўпчилиги асосан Россия ва Туркия давлатларида меҳнат қилишади[2]

Россия миграция бошқармасини маълумотларига кўра Россия худудида меҳнат мухожирлари 3857,5 минг киши бўлиб (бошқа давлатлардан келаганлар 384 минг)[3] МДХ давлатларидан келганлар кўпчиликни ташкил этади. Сабаби тарихдан иқтисодий-сиёсий алоқалар борлиги, маданият турмуш тарзи моҳиятан яқинлиги, рус тилида сўзлаша олиш имкониятидан келиб чиқиб Россия федерациясида меҳнат қилишади. Мехнат мухожирларини 83% Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистонликлардир.

Ўзбекистонлик меҳнат мухожирлари умумий хисобда 570 202 киши бўлиб, шундан ишлашга борганлар 132.927 киши, ўқиши мақсадида борганлар 16 396 киши, оиласиий статусга эга инсонлар 85 766 киши, доимий яшаш учун келганлар (ПМЖ) 243 118 киши, ватанида тайзиққа учраганлар 83 495 киши, ва бошқалар 9 439 кишидан иборат.[4]

Мехнат мухожирлари “лидер давлатлар” орасида Қирғизистондан келган аёллар ва эркаклар нисбати, 97 та эркак 40 аёл, Тожикистонда 138 та эркак 6 та аёл, Ўзбекистонда 217 эркак кишига 24 та мигрант аёллар тўғри келади. Мигрантлар орасида аёлларинг камлигига сабаб ўрта осиё мамлакатларида диний қарашлар ва турли хил стереотиплар хали хамон анча кучли эканлигини билдиради. Шунингдек мустақил мигрант бўлиб келган аёлларнинг 60% “эр пул топиши керак хотин уйда ўтириши керак” деб хисоблашади. Россия меҳнат миграциясини сўровига кўра кўп мигрантлар, турмуш курган аёл уйдан ёлғиз чиқмаслиги керак деган фикрни айтишган, ҳамда 86% аёллар агар ишлашга эр қарши бўлса уйда қолиши керак, шунингдек 10% аёлларнинг фикрига кўра кўп аёллар хорижга фохишалик билан шуғулланиш учун кетишади деган фикрни илгари суришган.[5]

Эркак мухожирлари Россияда биринчи навбатда қурилиш, саноат ва транспорт соҳаларида мигрант аёллар асосан хизмат кўрсатиш ва савдо соҳаларида, бинолар ва оғисларни тозалаш, уй-жой комунала хизматлари, уйда хусусий хизмат кўрсатиш соҳаларида банд ва улар мигрант аёлларнинг 40 % дан ортигини ташкил этади.

¹ С. Форбес Мартин, Женщины и миграция, Справочный документ для Консультативного совещания по вопросам миграции, мобильности и того, как это движение влияет на женщин , Отдел Организации Объединенных Наций по улучшению положения женщин, 2–4 декабря 2003 г., с. 5.

Ўзбек аёллари орасида Мева сабзавот ва кўкат зираворлар сотувчилик касби билан шуғулладиганлар хам талайгина. Азалдан ўзбеклар меҳнаткашлиги сабрлиги билан ажралиб туради, жумладан мигрант аёллар 70% биринчи иш жойини алмаштиришмаган. 17% бир марта, 13% икки ёки уч марта иш жойини ўзгартирган. Лекин шунга қарамай меҳнат муҳожирларинг хақ-хукуклари бузилиши, хам учраб туради.

Мигрантларнинг туб ахолидан кўра кўпроқ, ижтимоӣ муҳофазаси бузилишига дуч келишади, хукумат карорларини яхши билмаслик ёки иш берувчиларнинг хийласи сабаб таътил пулларини олишмайди.

Барча иш жойларида мавжуд бўлган қонунга кўра тўланиши керак бўлган маош ишчиларни бемор булган кунлари учун тўланмайди. (блотень)

Жуда кўп учрайдиган жараёнлардан бири келишувдаги пулни ўз вақтида олмаслик ёки кам олишлик холатлари хам мавжуд [6]

Статистик маълумотлар ва уларнинг таҳлили. Аёллар миграциясини сабаблари кўп лекин асосий сабаблари 91% иқтисодий етишмовчилик, ва оиласини тиклаш, фарзандларни ўқитиш, шахсий хаётини изга солиш мақсадларидан иборат. Аёллар меҳнат миграциясига таёргарлик кўрар экан, 43.9% аёллар оиласи билан маслаҳатлашган холда карор қабул қиласи, 38.8% мустақил карор қабул қиласи, 13% эрининг хохиши билан, 3.4% ота-онаси хохиши билан Россияга келишади. [7] Ўзбекистондан Россия Федерациясига борган аёллар миграциясини 2 хил хусусиятга эга. Биринчиси (актив мигрантка) турмушга курмаган ёки ажрашган аёллар мустақил ишлагани келганлар, эри бор лекин ёлғиз келганлар, оила қурган эри билан келган аммо иш жойи бошқа-бошқа холда меҳнат қилаетган аёллар. Иккинчидан (пассив мигрантка) эри билан келган аёллар ёки отаси билан келган аёллар, уйда оила аъзолари отаси эрига уй юмушларида ёрдам бериши учун келган аёллар.

2021 йил 15 декабр ойида Россия миграция агентлиги ўтказган (64 та саволдан иборат) 4700 нафар меҳнат муҳожирдан сўровга кўра, нима учун Россияга келгансиз? Деган саволга сўралган респондентларни 54.4% ўз ватанларида иш хаққи камлиги, 30.5% уйда иш йўклиги, 18% турмуш даражасини пастлигини кўрсатган.

Россияда яшовчи мигрантларнинг ўртача ойлиги 47.1 минг(640) рубльни ташкил этади, энг юкори ўртача иш хаққи қурилиш ва таъмиглаш соҳаларида 54 минг рубль(749 доллар), логистика омборларда 52 минг рубль(722 доллар), ва энг кам даромад уй-жой комунал хўжалиги хамда кишлоқ хўжалик соҳаларида ишлайдиган ишчиларга тўғри келади, [7] айни дамда Россия Федерациясида ўртача ойлик 66 минг рубль (916 доллар)[8] хисобланди. Юкорида айтганимиздек Ўзбекистонлик аёлларнинг кўпчилиги айнан шу ойлик маоши кам бўлган соҳаларда ишлашмоқда.

Ишга келган аёлларнинг соғлиғи туғрисида 64% яхши, 35% қониқарли, 1.4% эса соғлиғи ёмон деб белгилаган. шунга қарамай хар ўнинчи аёл ўзининг сурункали касали борлигини айтган [9]

Россия Федерациясида меҳнат миграция учун келгандан сўнг хомиладорлик холати аёллар орасида учраб туради булардан 42% аборт билан якунланади ва хар учтадан бир аёл (32%) фарзанд кўради. Шунингдек хар ўн хомиладор аёллардан биттаси бола ташлаш (Мертворождение, выкидыш) билан якун топади, сабаби оғир меҳнат шароитида ишлаш хамда нормал тиббий назоратда бўлмаслигидadir.

Ва яна шундай холатлар хам бўладики ёлғиз мигрант аёллар орасида гигена ва контрацептив воситалар фойдалана олиш тушунчаси йўқлиги туфайли тасодифан хомиладорлик холати хам кузатилмоқда. 2010 йил Москва, “Оила ва ёшлар сиёсати” бошқармаси хисоботига кўра, МДХ давлатларидан келган мигрант оналар ташлаб кетган гўдаклар 203 гўдак бўлиб, ўрта осиё мамлакатларига 82 чақалоқ тўғри келади жумладан; Қозоқистон-2 та бола, Киргистон-31 та бола, Тажикистон-25 та бола, Туркманистон-1 та, Ўзбекистон 23 та бола [10] булар асосан туттурумчоналарда туттурумдан сўнг қолдириб кетилган болалар бўлиб аслида бу ракамлар амалда анча юкори сабаби ахлатхоналарга ва бошқа жойларга ташлаб кетганлар, ёки врачлар иштироксиз тукканлар, ватандошлари қариндош-уругларидан яшириб ташлаб кетиши холатлари хам йўк эмас. Мигрантлар билан сухбат ўтказилганда фарзанд кўриб ташлаб кетган инсонлар хақида биласизми? деб сўралганда хар беш аёлнинг бири бундай холат хақида эшитганлиги билдириган, айниқса ўзбек аёллари орасида воеага гувоҳ бўлганлар кўпчиликни ташкил этади. [11]

Мигрант аёлларнинг яна бир муҳим жихати уларни топаётган маошини 67-70% ватанига юборишади бундай аёллар оиласини асосий даромад манбаи хисобланади, оиласи билан (турмуш ўртоғи ёки дадаси) келган мигрантлар бу 45% даромадини юборишади.

Хар тўрт аёлдан бири юборадиган даромади бир оиласа бемалол етади, 46% аёллар бир ойлик даромади бир оиласи харажатли ярмини қоплаш учун кетади.

Юқоридаги сўровномада қатнашган мигрантлар сони 1169 аёллар бўлиб, улар асосан йирик шахарларда Москва,(580киши) Санкт-Петербург,(289 киши) Краснодар,(200 киши) Самара(100 киши) истиқомат қилишади.[12]

Халқаро болалар ташкилоти (ЮНИСЕФ) миграциянинг болаларга таъсирини ўрганмоқда.

Тадқикот доирасида ташкилот ота-онаси хорижда ишлаётган болалар ўртасида сўров ўтказди. Унинг натижаларига кўра, ота-оналарнинг миграцияси болаларнинг руҳий ҳолатига салбий таъсир қиласи. Сўровда қатнашган ўсмир болаларнинг 33% фоизи ўзини баҳтсиз ҳис қиласи, 21 фоизи эса доимо ташвишда яшайди.

Вазият жуда кийин, муаммоли, долзарб ва ҳеч қандай ечим йўқдек. Оилалар фарзандларини боқиши керак, Ўзбекистонда аёллар ишсизлик, оиласи мувофиқ миграцияни баркарорлаштиш айнича хорижда меҳнат қилаётган аёлларнинг ватанга қайташ масалалари устида иш олиб бормоқда. Айни пайтда хотин-кизларини турли йўналишларда касб-хунар малака ошириш тадбиркорликка ўргатиш йўлга қўйилмоқда.

Олингган хулоса ва натижалар. Тахлил ва ўрганишлар шуни қўрсатдики мигрант аёллар орасида муаммолар талайгина, Ўзбекистон хукумати хам миграцияни баркарорлаштиш айнича хорижда меҳнат қилаётган аёлларнинг ватанга қайташ масалалари устида иш олиб бормоқда. Айни пайтда хотин-кизларини турли йўналишларда касб-хунар малака ошириш тадбиркорликка ўргатиш йўлга қўйилмоқда.

Ташқи меҳнат миграцияси томонидан “Мигрант тадбиркор” лойихаси жорий этилди 2021 йилда 2500 киши ўқитилди, улардан 102 нафари янги бизнес бошлишди ва иш жойларини яратиши. Шу каби лойихаларни кенгайтириш максадга мувофиқ деб ўйлайман.

Хорижда меҳнат қилаётган аёлларга оммавий аҳборот воситалари орқали ватанимизда яратилаётган шароит ва имкониятларни хақида қўрсатувлар таёrlаш.

Миграциядан кўпроқ болалар азият кечмокда. Чет элда ишлаётган аёлларнинг ота-онаси билан бирга бўлишдан маҳрум, шунингдек васийлик вазифасини бажарувчи қариндошлари қарамоғида қолмоқда. Ота-оналарнинг миграцияси боланинг таълими, соғлиғи, ижтимоий ҳолатига салбий таъсир қўрсатиши кузатилган. Шуни инобатга олган холда оиласи миграцияни шакллантириш. Фарзандлари билан яшайдиган мигрантларини солиқларни камайтириш керак.

Миллий меҳнат бозорида мавжуд имкониятлар ҳақида одамларни хабардор қилиш. Оналарнинг ишга кетиши сабабларини чуқурроқ ўрганиш, фарзандини ташлаб, ишга кетаётган ёлғиз оналарни, касб-хунарга ўқитиш уларнинг бандлигини таъминлаш, ижтимоий ҳимоясини таъминлаш зарур.

Меҳнат мигрантлари ва уларнинг оила аъзоларини ҳимоя қилиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиши бўйича ҳаракатларни мувофиқлаштириш мақсадида Россия Федерацияси ва Ўзбекистон Республикаси давлатлари ўртасида икки томонлама алоқалар тармогини яратиш. Бунда мигрантларнинг турмуш тарзи, яшаш шароити, меҳнат фаолияти бўйича мальумоларни жойлаш (аҳборот, ҳуқуқий, ижтимоий-гуманитар ва бошталар) ва алмашиб имкониятларни аниқлаш.

Ўзбекистондан бораётган мигрант аёлларга кайси давлатга боришдан қатъий назар махаллий тилни ўрганишига ёрдам бериш керак. Масалан: хозирда Россия корхоналарига ишга киришда тест тизими жорий қилинган бўлсада камчиликлар кузатилади.

Турли-хил муаммоларга дуч келмаслиги учун ташқи ишлар агентлиги билан хамкорликда ишчиларни мигрант аёлларнинг ҳуқуқий онгини ошириш чораларини ишлаб чиқиши.

Хорижда меҳнат қилаётган ярим миллион мигрант аёллар жуда кўп. Ҳақиқатдан хам улар Ўзбекистоннинг келажагини кўтаришлари керак, болаларни кексаларга ташлаб, чет элларда қаттиқ меҳнат қилмасликлари керак.

Фойдаланилган адабиётлар

1. <https://news.un.org/ru/news/topic/migrants-and-refugees>
2. <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/demography-2>

3. <https://ru.wikipedia.org/.russian/migration>
4. https://rosstat.gov.ru/free_doc/new_site/imigr18/index.html (accessed on 05.06.2020)
5. Женщины-мигранты из стран СНГ в России / Центр миграционных исследований и Фонд в поддержку гендерного равенства ООН; под
6. Тюрюканова Е.В. Женская трудовая миграция / Россия: 10 лет реформ. Социально-демографическая ситуация. М.: РИЦ ИСЭПН, 2002, с. 64-80
7. <https://www.gazeta.uz/ru/2021/12/15/migrants/>
8. [https://www.tadviser.ru/index.php.](https://www.tadviser.ru/index.php)
9. (<http://www.rg.ru/2010/12/03/oms-dok.html>).
10. (<http://www.ferghana.ru/article.php?id=6233>).
11. (http://www.dp.ru/a/2010/11/01/V_peterburgskom_roddome_g)
12. Кязимов К.Г. Рынок труда и занятость населения: Учеб. пособ. – М.: Перспектива, 2005. – С.148.
13. <https://publications.hse.ru/pubs/share/folder/pfwv3yiwy/81010041.pdf>
14. <https://news.un.org/ru/story/2022/02/1418252>
15. Rabiev. B, Yuldashev. N. Support For Orphans In Other Countries/American Journal Of Social And Humanitarian Research. **ISSN:** 2690-9626 **Journal DOI:** [Https://Doi.Org/10.31150.Vol.4No.3\(2023\).Journal Homepage](Https://Doi.Org/10.31150.Vol.4No.3(2023).Journal Homepage), <https://globalresearchnetwork.us/index.php/ajshr/article/view/2045>.
16. Rabiev. B Experience Of Foreign Countries In The Prevention Of Divorces Central Asian Journal Of Social Sciences And History Volume: 04 Issue: 03 | Mar 2023 (Issn: 2660-6836). Journal Homepage: <Https://Cajssh.Centralasianstudies.Org>